


“Термизтумангаз” газ таъминоти бўлими ходимлари иштирокида Коррупцияга қарши мурасасиз курашиш мавзусида давра суҳбати ўтказилди



“Худудгазтаъминот” АЖнинг коррупцияга қарши кураш сиёсатини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини таъминлаш ҳамда ходимлар билан меҳнат ҳуқуқи ва меҳнат муносабатлари масаласида “Худудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали ва Халқ депутатлари Термиз туман кенгаши билан ҳамкорликда “Термизтумангаз” газ таъминоти бўлимида давра суҳбати ташкил қилинди.

Мазкур тадбирда Халқ депутатлари Термиз туман Кенгаши котибияти мудир, депутат А.Авлиякулов ҳамда “Худудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси А.Қобилов иштирок этди.

Давра суҳбатида “Худудгазтаъминот” АЖ миқёсида коррупцияга қарши сиёсатни амалга ошириш бўйича ишлар самарадорлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар, газ таъминоти соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларга қўйилаётган касбий ва ижтимоий талаблар, ходимлар фаолияти самарадорлигини таъминлашга қаратилган амалий ишлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди, ходимларнинг қизиқишлари доирасидаги саволларга жавоблар қайтарилди.